

ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ ЁШЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Жўрабек Юсупов

Тошкент давлат аграр университети декан мувонини

Шарипов Шерзод Шавкатович

Бизнес ва тадбиркорлик Олий мактаби магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7393372>

Аннотация. Мазкур мақолада қишлоқ хўжалиги рақамлаштириши, унинг самараадорликка таъсири, бу борада қабул қилинган қарор ва фармонлар, амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар шу билан бирга янги иш ўринларини яратилиши ва ёшлар бандлигини таъминлашдаги истиқболли мақсадлар ҳақида фикр юритилади.

Калим сўзлар: қишлоқ хўжалиги, рақамлаштириши, ёшлар биндлиги, ёш фермер, ёш дехқон, ёш тадбиркор, агросаноат, smart, субсидия.

ПЕРСПЕКТИВЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЗАНЯТОСТИ МОЛОДЕЖИ ЗА счет ЦИФРОВИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА

Аннотация. В данной статье рассматривается цифровизация сельского хозяйства, ее влияние на производительность, принятые в связи с этим решения и указы, реализуемые масштабные реформы, а также перспективные цели по созданию новых рабочих мест и занятости молодежи.

Ключевые слова: сельское хозяйство, цифровизация, вовлечение молодежи, молодой фермер, молодой фермер, молодой предприниматель, агропромышленный комплекс, смарт, субсидия.

PROSPECTS FOR YOUTH EMPLOYMENT THROUGH DIGITALIZATION OF AGRICULTURE

Abstract. This article examines the digitalization of agriculture, its impact on productivity, decisions and decrees adopted in this regard, large-scale reforms being implemented, as well as long-term goals for creating new jobs and youth employment.

Keywords: agriculture, digitalization, youth engagement, young farmer, young farmer, young entrepreneur, agro-industrial complex, smart, subsidy.

Бугунги кунда дунёда глобал миқёсда инсон фаолиятининг деярли барча соҳаларида рақамли технологиялардан фойдаланиш тез суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Ушбу жараён қишлоқ хўжалиги соҳасини ҳам четлаб ўтгани йўқ. Шу боис мамлакатимизда сўнгги йилларда соҳага рақамли технологияларни жорий қилиш ва ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 февралдаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5006-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-5853-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2020 йил 18-декабрдаги “Ўзбекистон республикаси агросаноат мажмуи ва қишлоқ хўжалигига рақамлаштириш тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 794-сонли Қарори ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган

устувор вазифаларни ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган самарали ишлар шулар жумласидандир.

Ишга жойлаштириш, ёшлар бандлиги – бу давлат аҳамиятига молик масала, чунки айнан ёшлар мамлакат кадрлар салоҳиятини ташкил қиласди. Ёшлар бандлигини таъминлаш давлат ижтимоий-иктисодий сиёсатининг долзарб ва узоқ муддатли вазифаси ҳисобланади. Бугунги кунда инсон салоҳиятининг рақобатбардошлигини ошириш кўп жиҳатдан ёшлар меҳнатидан фойдаланиш соҳасидаги миллий стратегияга боғлиқдир. Меҳнат бозоридаги ёшлар аҳволини баҳолаш зарурати ёшлар – бу мамлакат келажаги эканлиги ва бутун жамиятнинг истиқболдаги ривожланиши улар фаолиятининг бошланғич шароитларига боғлиқлиги билан белгиланади. Бугунги ёшлар кўп жиҳатдан жамиятдаги сиёсий, иктисодий ва ижтимоий жараёнларга таъсир кўрсатади. Шу билан бир қаторда, ёшлар ишга жойлашишда катта қийинчиликларга учраётган ижтимоий ночор тоифалардан бири ҳисобланади. Ўз вақтида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар бугун ўз самараси бермоқда. Жумладан, бугунги кунда банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлаш, секторлар кесимида ёшлар дафтарини шакллантириш орқали ишсиз фуқароларни касб-хунарга ўргатиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни дам юртимизда 27 мингдан ортиқ ёш деҳқон ҳамда 11 мингдан зиёд фермер йигит-қизлар фаолият юритмоқда.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида “агротадбиркор”, “ақлли агромаданият”, “рақамли қишлоқ хўжалиги”, “ақлли қишлоқ хўжалиги”, “ёш деҳқон”, “ёш фермер”, “ёш тадбиркор”, “ёшлар кооперацияси”, “ёшлар кластерлари” каби тушунчалар кириб келаётганлиги, фаолиятни ривожлантириш ҳамда рақамлаштириш йўналишларининг сўнгти йилларда оммалашаётган янги ва замонавий шаклидир. Аниқроғи, бугун анъанавий деҳқончилик ўрнини илғор технологияларга асосланган агротармоқ эгаллаб, унда ёшларнинг улуси сезиларли ортиб бормоқда.

Агросаноатнинг рақамлаштириш натижасида мажмуудаги барча жараёнларни электрон тарзда рўйхатдан ўтилишига ва тизим шаффофлигига эришилади. Бундан ташқари, агросаноатда янги Ахборот технологияларни қўлланиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг таннархи пасайишига ва рақобатбардошлик ошишига имкон яратади. Бунда агросаноат мажмуи таркибига кирувчи соҳалар, уларнинг юқори органлари ва хўжалик юритувчи барча субъектлар ўртасида маълумотларни етказиши ва ахборотларни узатиш тармоғини ташкил этиш, сотиш жараёнини электрон тартибга ўтказиши муҳим ҳисобланади. Рақамлаштириш тизими иктисодиёт тармоқларида тежамкорликни оширади ва самарадорликни таъминлашга хизмат қиласди.

Рақамли иктисодиётни ривожланиши агросаноатда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни ЯИМ улушкининг ўсишига олиб келади ва ЯИМни аҳоли жон бошидаги улуси ҳам юқорида бўлишини таъминлайди. Бу эса қишлоқ аҳолисининг яшаш даражасини юксалишига, уларнинг даромадларининг ошишига, қишлоқ аҳолисининг замон билан ҳамнафас яшашига имкон яратади. Шу боис, Президентимиз томонидан бундан 2 йил олдин барча қишлоқ ва маҳаллаларни тезкор интернет билан таъминлаш, 12 мингта муассасани тезкор интернетга улаш, “Рақамли Ўзбекистон – 2030” дастурини ишлаб чиқиш кўрсатмаси берилган.

Агросаноат мажмууси ва қишлоқ хўжалигидаги рақамлаштирилиши натижасида харажатлар камайишига (таннархнинг пасайиши), маълумотлар тезкорлигига, жаҳон

бозорига чиқишига (биржадаги нарх-наво), бозордаги мұхитни назорат қилишга (харидор ва истеъмолчилар эҳтиёжи ва талабини қондириш), сифатли, қулай ва шаффоф тизим яратилишига эришиш мүмкін[1].

Шундай бир шароитда мавжуд ер, сув, моддий-техника ва меңнат ресурсларидан оқилюна фойдаланишин таъминловчи “smart” ёки “ақлли қишлоқ ҳўжалиги” технологиялари мұхим аҳамият касб этади.

Ёшлилар бандлигини таъминлаш, айниқса доимий даромад манбаларига эга бўлишга кўмаклашиш мақсадида давлат бюджети ҳисобидан субсидиялар ажратиш тизими йўлга кўйилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 2022 йил 17 январдаги 24-сонли қарорига мувофиқ, Янги лимонзорлар барпо этиш ва кўчатлар харид қилиш билан боғлиқ харажатлар ҳар бир сотих учун 300 минг сўмгача миқдорда субсидия сифатида қоплаб берилади[2].

Шунингдек, муқобил энергия қурилмалари қишлоқ ҳўжалигига ҳам кенг кўлланиляпти ва оммалаштириш бўйича ҳам бир қатор имтиёз ва преференциялар белгилаб ўтилган. Бу эса ўз навбатида, қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш орқали ёшлилар бандлигини таъминлаш асосий устувор вазифа сифатида белгилаб олинмоқда. Қишлоқ ҳўжалигини мониторинг қилиш тизимини рақамлаштириш орқали унумдорлик, ҳосилдорлик ва самарадоликни бир неча баробар оширишига эришиш мүмкін.

Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 50 фоизи қишлоқ ҳудудларида истиқомат қилаётганлигини инобатга олиб, ёшлилар бандлигини таъминлашда бевосита қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳозирги кунимизнинг ёнг мұхим йўналиши ҳисбланмоқда.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, кейинги вақтларда мамлакатимиз иқтисодиётининг тармоқларида талаб юқори бўлган маҳсулот ва хом ашё турларини ошириш борасида айнан қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтириш ҳам долзарб эканлиги яққол сезилиб турибди. Шунинг учун қишлоқ ҳўжалиги соҳадаги ўзгаришларни тегишли соҳа мутасаддилари ўз иш ҳужжатларига кейинги ўзгаришларга монанд равишда иш олиб боришили мақсадга мувофиқидир.

REFERENCES

1. М.Собирова, З.Нурсатова The Role of the Digitalization System in the Efficiency of Agricultural Complex ISSN 2697-2212 Online: <https://academic journal.io> Published in Aug-2021
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 17 январдаги “Муқобил энергия орқали ишлайдиган иситиш тизимини жорий этган лимон етиштирувчиларни, шунингдек, янги лимонзорларни барпо этиш ва кўчатлар харид қилишни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 24-сонли Қарори.